

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БММ - 1.00

2019 йил «02» 12



Акушерлик ва гинекология мутахассислиги
бўйича бирламчи мақсадли ихтисослаштириш
мутахассисларни тайёрлаш

ЎҚУВ (МОДУЛ) ДАСТУРИ

Билим соҳаси: Соғлиқни сақлаш

Мутахассислик: акушерлик ва гинекология

Тошкент – 2019

- Тузувчилар:** **Аюпова** -Тошкент тиббиёт академияси 1-акушерлик ва
Фарида гинекология кафедраси мудири, т.ф.д.
Мирзаевна профессор
- Шукуров** -Тошкент тиббиёт академияси 1-акушерлик ва
Фархад гинекология кафедраси доценти, т.ф.н.
Ишкуллович
- Аюпова** -Тошкент тиббиёт академияси 1-акушерлик ва
Дилдора гинекология кафедраси доценти, т.ф.н.
Каххаровна
- Тақризчилар** **Бабаджанова** - Тошкент тиббиёт академияси 1-акушерлик
Гулжахон ва гинекология кафедраси профессори, т.ф.д.
Саттаровна
- Зуфарова** - Республика аҳоли репродуктив саломатлик
Шахноза маркази директори т.ф.д.
Алимджановна

Ўқув (модул) дастури Тошкент тиббиёт академиясида ишлаб чиқилган.

Ўқув (модул) дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасалараро Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2019 йил “___” _____ даги ___ -сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил “_5_” декабрь_ даги “_295_” – сонли буйруғининг _1 -иловаси билан Ўқув (модул) дастури тасдиқланган.

1. Мутахассисликни долзарблиги ва аҳамияти, соғлиқни сақлаш тизимидаги ўрни.

Замонавий тиббиётнинг улкан ютуқларига қарамай, акушерлик ва гинекология соҳасига тааллуқли патологиянинг айрим турлари тиббий ва ижтимоий муаммо бўлиб қолмоқда. Бундай касалликларни комплекс даволаш билим ва кўникмаларини тегишли даражада тўлиқ эгаллаб бораётган малакали акушер-гинекологларга булган талаб ошиб бормоқда. Мақсадли бирламчи ихтисослаштириш курсларида тайёрланган, малакали мутахассислар, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида акушер-гинеколог шифокорлар бўлиб иш юритадилар. Бундан ташқари, акушер-гинеколог, мутахассислари нафақат тиббий-профилактика ишлари, балки, тиббий ва ижтимоий ва ташкилий ишларни ҳам амалга оширишлари лозим бўлади. Ўқув дастурига кўра, «Акушерлик ва Гинекология» мутахассислигини олиш учун бирламчи мақсадли ихтисослаштириш курсида тахсил олаётган тингловчилар бир йил давомида кундузги таълим оладилар.

Мутахассислиги бўйича назарий ўқитиш акушерлик ва гинекология поликлиникаларида маъруза ва семинарлар шаклида ўтказилиб, уларга акушерлик ва гинекологияда қўлланиладиган инновацион текширув усулларини, турли хил асоратларни олдини олиш, тўғрисидаги билимларни тингловчиларга беришни ўз ичига олади. Гинекологик касалликлари диагностикаси замонавий усуллари: аёллар жинсий тизимининг функцияси ва бузилишлари, уларни олдини олиш ва профилактикаси, контрацепция усуллари ва оилани режалаштириш тўғрисида тўлиқ билимлар ва маҳоратлар ўргатилади. Амалий машғулотлар (мутахассис амалиёти) туғруқ мажмуалари поликлиника бўлимларида, клиник шифохоналарда, диагностика бўлимларида, аёллар консултациясида ва оилавий поликлиникаларда ўтказилади.

Амалий таълим (мутахассис амалиёти) педагог раҳнамолигида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 29 мартдаги ПҚ–2857-сон «Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ–4063-сон «2019–2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси даражасини ошириш тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-

тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сонли қарорлари ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил 31 октябрдаги “269” сонли “Бирламчи мақсадли ихтисослаштириш курсларига қабул қилиш тўғрисида” буйруғига ҳамда, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу дастур муайян даражада хизмат қилади.

2. Ўқув (модул) дастурининг мақсади ва вазифалари.

2.1. Ўқув (модул) дастурининг мақсади. Акушерлик ва гинекология мутахассилиги бўйича қишлоқ врачлик пунктлари ва амбулаториялари оилавий поликлиникалар шароитида мустақил касбий фаолият юрита оладиган, замонавий талабларга жавоб берувчи, етарли хажмда билим ва амалий кўникмаларга эга бўлган малакали акушер-гинекологларни тайёрлаш бўлиб ҳисобланади.

2.2. Ўқув (модул) дастурининг вазифалари:

- Қишлоқ врачлик пунктлари ва амбулаториялари ҳамда оилавий поликлиникаларда, клиник фикрлаш қобилиятига эга, мураккаб патологияларни яхши била оладиган, тўлиқ хажмда тиббий ёрдам кўрсата оладиган мустақил касбий даволаш-ташхислаш фаолиятини олиб бора оладиган, оналар ва болаларнинг саломатлиги бўйича профилактик ва реабилитация тадбирларини ўтқа оладиган, ўзининг касбий вазифаларини муваффақиятли ҳал эта оладиган шошилиш ёрдам кўрсатиш бўйича керакли манипуляцияларини бажара олишга қодир акушерлик ва гинекология бўйича чуқур билимларга эга бўлган;

-аёлларда репродуктив тизим аъзолари ва ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги давридаги физиологик ва патологик ҳолатларини ташхислаш, консерватив йули билан даволаш, асоратланган ҳомиладорлик ва туғруқда тез тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмаларини тўлиқ эгаллаган, малакали акушер гинеколог мутахассиси сифатида мустақил амалий фаолият кўрсата олдиган;

-ҳомиладорлар, туғувчи ва туғган аёлларга амбулатор шароитида керакли ва адекват даволаш ва ташхислаш муолажаларини амалга ошира оладиган;

-акушерлик патологик ҳолатларини ва экстрагенитал касалликларни ташхислаш, даволаш ва профилактикаси бўйича, олинган текширувлар натижаларини таҳлил этиш, жамлаш ва амалиётда қўллаш оладиган;

-акушерликда патологик ҳолатларни ва экстрагенитал касалликларни келиб чиқиш хавф омиллари бўйича текширувларни, шу билан бир қаторда уларни камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошира оладиган;

- гестация ва туғруқдан кейинги асоратлар, ҳомиладорликка ёндош ички аъзолар касалликлари, шунингдек экстрагенитал касалликлар патогенезини

тушуниб етган;

- аёлларда гинекологик касалликларни ташхислаш, консерватив йули билан даволаш, асоратланган гинекологик касалликларда тез тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмаларини тўлиқ эгаллаган;

- гинекологик беморларга амбулатор шароитида керакли ва адекват даволаш ва ташхислаш муолажаларини амалга ошира оладиган;

- гинекологик касалликларни ва нейроэндокрин синдромларни келиб чиқиш хавф омиллари бўйича текширувларни, шу билан бир қаторда уларни камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни билладиган;

- гинекологик касалликларни асоратлари, ёндош ички аъзолар касалликлари, патогенезини ўрганиш ва патологик жараёнларни олдини олиб боришни билладиган;

- турли акушерлик асоратлари: преэклампсия, қон кетиши, хомила кўтара олмаслик ва муддатидан ўтган хомиладорлик, тор чанок, реус номутаносиблиги, туғруқдан кейинги йирингли септик асоратлар ва уларни ташхислаш, хавф гуруҳлари ҳақида, олдини олиш, клиник кечиши, шошилиш холатларда биринчи ёрдам кўрсатиш усуллари ҳақида билимларга ва кўникмаларга эга;

- тиббий хужжатларни олиб бориш принциплари ва турлари билладиган;

- гинекологик касалларни текшириш, замонавий лаборатор ва инструментал текширув усуллари, ҳамда функционал ташхис тестлари бўйича билим ва кўникмаларга эга;

- оилани режалаштириш ва контрацепциянинг замонавий усуллари билладиган акушер-гинеколог мутахассисини етиштириш.

2.3. Мутахассисдан қутилаётган натижалар:

Тингловчи билиши керак:

- Хомиладорлар ва гинекологик касалларда тўлиқ анамнез йиғиш ва клиник текширувлар ўтказиш;
- Хомиладорларни ташхислаш;
- Хомиладорлик муддатини аниқлаш;
- Туғруқни, туғруқ даврларини ташхислаш;
- Тахминий ташхис қўйиш ва уни исботлаш;
- Преэклампсияни ташхислаш ва уни оғирлигини баҳолаш;
- Шошилиш акушерлик холатларини ташхислаш (НЖЙБК, йўлдошни пастда жойлашиши, туғруқ вақтида қон кетиш);
- Тор чанок, хомилани нотўғри жойлашишини ташхислаш;
- Хомиладорларда лаборатор-инструментал текширув маълумотларини тўғри таҳлил қилишни билиш;

- аёллар репродуктив тизими ишлашининг ёшга оид хусусиятлари, хайз цикли бошқарилишининг замонавий ёндашувлари;
- гинекологик беморларни текшириш усуллари;
- кўп учрайдиган гинекологик касалликларни этиологияси, патогенези, клиникаси, диагностикаси;
- носпецифик ва специфик яллиғланиш касалликлари, шунингдек жинсий йўл орқали юкувчи касалликлар ва уларни профилактикаси,
- фон ва рак олди касалликлари, хайз циклини бузилиши, аёллар жинсий аъзолари ўсмалари.

Тингловчи кила олиши керак:

- Хомиладорлар ва тукқан аёлларда ташқи акушерлик текшируви;
- Чанок ўлчамларини ўлчаш;
- Хомила юрак уришини эшитиш;
- Хомиладорлик муддати, декрет таътил муддатини аниқлаш;
- Тахминий туғруқ муддатини аниқлаш;
- Хомиланинг тахминий вазнини аниқлаш;
- Преэклампсия белгиларини аниқлаш;
- Кўкрак сути билан боқиш принциплари;
- гинекологик беморлардан анамнез йиғиш ва ташқи кўрув
- гинекологик кўрув:
- бачадон бўйнини кўзгуларда кўриш;
- бимануал текширув;
- сут безларини палпацияси;
- функционал диагностика тестлари;
- бачадон бўйнидан цитологик текширув учун суртма олиш;
- ПАП тестга суртма олиш;
- Люгол эритмаси билан синама

3. Асосий қисм

Дастурда тингловчиларга маърузалар ўқиш кўзда тутилмаган.

3.1. Семинар машғулотларга талаблар:

- Ишлаб чиқилган адабиётларни қайд этиш.
- Семинар машғулотлари учун қисман адабиётларни нусхалаш
- Семинар машғулотлари учун жадваллар, графиклар, калит сўзлар буйича алгоритмлар таёрлаш.
- Семинар машғулотлари бўйича мураккаблаштирилган вазиятли масалаларни ечиш.
- Семинар машғулотлари бўйича мураккаблаштирилган тест масалаларни ечиш.
- Семинар машғулотлари бўйича клиник ҳолатларни

муҳокама қилиш.

Тингловчиларни амалиёти бўйича:

- Амбулатор шароитда даволанаётган беморларга мустақил текширув олиши
- Зарур тиббий, диагностика ва реабилитация чора тadbирлар мажмуини тайёрлаш ва амалга ошириш
- Клиник, паталогоанатомик конференцияларда ҳамда беморларни клиник таҳлилларида қатнашиш.
- Мутахассис маслаҳатчилар томонидан утказилаётган сўров ва текширувларда иштирок этиш.
- Амбулатор карта, статистика ва бошқа тиббий ҳужжатларни тўлдириш.

3.2. Тингловчини билимларини баҳолаш учун назорат чоралари.

1. семинар мавзулари бўйича суҳбат, тест, фаоллиги баҳолаш кўринишида жорий назорат
2. оралик назорат.
3. якуний назорат, ҳар бир семестрдан сўнг оғзаки, ўтган семинар машғулоти ва ўзлаштирилган амалий кўникмалар бўйича тест синовларини топшириш кўринишида
4. ротациялар бўйича ҳисобот, ротацияга тегишли назарий саволларга жавоб бериш, ўзлаштирилган амалий кўникмалар бўйича имтиҳон топшириш тариқасида (жорий, якуний, ярим йиллик ва йиллик ҳисоботлар).

3.3. Ўқитиш янги технологиялари

- Барча назарий ва амалиёти дастурлари бўйича компьютерда ўқув ва назорат тестларини ечиш.
- Таблица ва слайдлар.
- Видеофилмлар, компьютер ўқув ва мониторинг дастурлари.
- “Иштирок ўйинлари”.

4.Семинар машғулоти

№	Семинар машғулоти мавзулари	Соат
1	Уруғланиш. Хомиланинг ривожланиш босқичлари. Зарарли омилларнинг хомиллага таъсири ва уларни олдини олиш.	5
2	Хомилдорлик токсикозлари. Хомилдорлик давридаги гипертензив синдромлар. Текширув усуллари ва касалликлар профилактикаси.	5
3	Фетоплацентар етишмовчилик. Хомила ривожланишининг ортда қолиши. Хомилдорликни олиб бориш. Касаллик профилактикаси.	5
4	Хомилдорлик муддатига етмаслиги. Хомилдорлик муддатидан ўтиб кетиши. Кузатиладиган асоратларни	5

	профилактикаси.	
5	Акушерликда резус омил. Она ва бола иммуномутаносиблиги Кузатиладиган асоратларни профилактикаси.	5
6	Хомиладорлик ва экстрагенитал касалликлар. Текширув усуллари ва кузатиладиган асоратларни профилактикаси.	5
7	Хомиладорликнинг 2-ярмида вагинал қон кетишлар. Текширув усуллари ва касалликлар профилактикаси.	5
8	Акушерликда тор чанок. Текширув усуллари ва кузатиладиган асоратларни профилактикаси.	5
9	Туғруқдан кейинги йирингли-септик асоратлар ва уларнинг профилактикаси.	5
10	Нормал ҳайз цикли ва унинг бошқарилиши. Ҳайз цикли бузилишлари. Аменорея. Текширув усуллари, профилактикаси.	5
11	Бачадондан аномал қон кетишлар. Хомиладорлик I-ярмида қон кетишлар. Бачадондан ташқари хомиладорлик. Текширув усуллари ва касалликлар профилактикаси.	5
12	Аёллар жинсий аъзолари специфик ва носпецифик этиологияли яллигланиш касалликлари. Текширув усуллари ва касалликлар профилактикаси.	5
13	Бепушт никоҳ. Турлари. Текширув усуллари. Оилани режалаштириш. Контрацепция усуллари.	5
14	Бачадон танаси ва бачадон бўйни хавфсиз ўсма касалликлари. Тухумдон хавфсиз ўсма касалликлари. Бачадон танаси ва бачадон бўйни фон ва рак олди касалликлари. Текширув усуллари ва касалликлар профилактикаси.	5
	Жами	70

Семинар машғулотлари мультимедиа қурилмалари ва кўрғазмали қуроқлар билан жихозланган аудиторияда ўтказилади.

5. Амалий машғулотлар

№	Амалий машғулотлар мавзулари	Соат
1	Аёллар жинсий аъзолари клиник ва функциональ анатомияси. Ташқи ва ички жинсий аъзолар. Чанок туби мушаклари. Бачадон ва унинг ортиқлари. Бачадон бойлам аппарати. Топографик анатомияси.	40
2	Уруғланиш. Хомиланинг ривожланиш босқичлари. Зарарли	40

	омилларнинг хомилага таъсири ва уларни олдини олиш. Перинаталь ёрдам асослари. Хомиладорлик эрта ва кечки муддатлари диагностикаси. Хомила аҳволини баҳолаш. Акушерлик асоратларини олдини олишда оилавий поликлиниканинг ўрни.	
3	Хомиладор аёллар организмида кузатиладиган физиологик ўзгаришлар. Марказий асаб тизими, эндокрин тизими, метаболизм, нафас олиш тизими, юрак-қон томир тизими. Гастроинтестинал тизим, сийдик айириш системаси, суяк тизими, сут безлари, аёллар жинсий аъзолари.	30
4	Акушерлик ва перинатологияда текширув усуллари. Хомила юрак фаолиятини баҳолаш усуллари. Хомиладорликда скриннинг ўтказиш. Ультратовуш, Хомила биофизик профил, Допплер, КТГ. Гормонал, иммунологик, тиббий ва генетик тадқиқот методлари, эндоскопик (амниоскопик, амниоцентез).	40
5	Перинатал хавф омиллари: Ижтимоий-биологик, экологик, ишлаб чиқариш, генетик. Акушерлик ва гинекологик анамнез. Соматик патология. Инфекциялари. Хомиладорликнинг асоратлари. Жинсий органларнинг патологияси, тиббий-генетик маслаҳат.	40
6	Фетоплацентар функционал ҳолати. Фетоплацентар етишмовчилик. Хомила ўсишни орқада қолиш синдроми. Хомила ривожланиш аномалиялари (гамето-, эмбрион-, фето-, неонатопати). Профилактикаси.	40
7	Ривожланмай қолган хомиладорлик. Хомилани антенатал ўлими диагностикаси, асоратларини олдини олиш. Профилактикаси.	40
8	Хомиладорлар кўнгили айниши ва қусиши. Хомиладорлик токсикозининг кам учрайдиган турлари. Этиологияси, таснифи, клиникаси, даволаш. Профилактикаси. Хомиладорлик пайтидаги гипертензив ҳолатлари. Преэклампсия. Эклампсия. HELLP синдроми. Ўткир жигар гепатози. Диагностикаси, Асоратларини олдини олиш, профилактикаси.	40
9	Хомиладорлик муддатига етмаслиги. Қоғоноқ сувларининг муддатидан олдин кетиши. Кортикостероидларни антенатал қўллаш. Хомиладорлик муддатидан ўтиб кетиши. Кузатилиши	40

	мумкин булган асоратлар профилактикаси.	
10	Хомилани чаноғи билан келишида хомиладорликни олиб бориш. Кузатилиши мумкин бўлган асоратлар профилактикаси.	30
11	Она ва ҳомиланинг иммунологик номуносивблиги. Ҳомила ва чақалоқнинг гемолитик касаллиги. Касаллик профилактикаси.	40
12	Хомиладорлик ва экстрагенитал касалликлар. Хомиладорларда юрак қон-томир касаликлари, нафас йули ва ўпка касаликлари: пневмония, эндокрин ва метаболлик касалликлар, қалқонсимон без касалликлари. Хомиладорларда анемия ва қон касалликлари, буйрак ва сийдик пуфағи касалликлари, жигар касалликлари. Буйрак касалликларида хомиладорлик, туғруқ ва чилла даврини кечиши. Симптомсиз бактериурия. Кузатиши мумкин булган асоратлар профилактикаси. Хомиладорликни тўхтатиш учун кўрсатмалар.	40
13	Хомиладорлик ва ЭГК. Хомиладорлик пайтида кўзнинг касалликлари: Миопия. Глаукома. Хомиладорлик даврида мушаклар-скелет тизими ва териси касалликлари. Хомиладорлик даврида Неврологик ва психиатрик касалликлар. Хомиладорлик ва бириктирувчи тўқималарининг касалликлари: СКВ. Тизимли склеродермия. Ревматоид артрит. Клиникаси, диагностикаси, асоратлари, даволаш ва шифокор тактикаси Хомиладорликни кечиши. Асоратларини олдини олиш. Профилактикаси.	40
14	Хомиладорликнинг кечки муддатларида вагинал қон кетиши: йўлдошнинг олдинда жойлашиши ва нормал жойлашган йулдошнинг барвақт кўчиши. Асоратлари. Касалликлар профилактикаси.	40
15	Акушерликда тор чанок, этиологияси, турлари, таснифи, диагностикаси. Она ва бола учун асоратлари олдини олиш. Хоилага боши ва она чаноғининг диспропорцияси. Хомилани нотўғри жойлашиши: сабаблари, диагностика, профилактикаси.	30
16	Онадан болага ОИВ-инфекциясини юқиши. Болани самарали перинатал парваришлаш, онадан болага ОИВ юқиши олдини	40

	олиш. Иш жойида туғруқдан кейинги асорат. ОИВни олдини олиш. Антиретровирус терапия.	
17	Хомиладорлик ва ўткир қорин: Аппендицит. Ўт пуфаги касаллиги, ўткир ичак тутилиши. Тухумдон кисталарининг оёқчасини буралиши. Миоматоз тугун некрози. Ташхиси. Хомиладорликни кечиши. Асоратларини олдини олиш.	30
18	Гинекологик касалликлар симптоматологияси: Оғрик. Қон кетишлар. Ажралма и оқчил хусусиятлари. Қўшни аъзолар функциясининг бузилишлари.	30
19	Гинекологияда замонавий текшириш усуллари: Физик. Лаборатор. Биохимик. Бактериологик. Гормонал текшириш усуллари. Эндоскопик текширишлар. Рентгенологик усуллар (краниография, гистеросальпингография - ГСГ). Ультратовуш диагностик усуллари. Бачадон қон-томирлари доплерометрияси. Цитологик усул.	40
20	Аёллар репродуктив тизими вазифаси ва тузилиши ва унинг бошқарилиши. Репродуктив тизими ривожланиш даврлари ва ривожланиш структураси. Репродуктив тизими бошқарилиш вазифасининг даражалари, бошқарилиш принципи.	30
21	Репродуктив тизими ривожланишининг бузилишлари. Вақтидан илгари балоғатга етиш. Клиника. Диагностика. Муддатдан олдинги жинсий етилиш. Клиникаси. Диагностикаси. Жинсий ривожланиш аномалиялари Жинсий фаркланиш бузилишлари билан: Туғма адреногенитал синдром (АГС). Гонада дисгенезияси. Бачадон ва қин ривожланиш нуқсонлари. Профилактикаси	40
22	Хайз цикли бузилишлари. Аменорея. Бирламчи аменорея. Этиопатогенези. Таққослама диагностикаси. Клиникаси. Иккиламчи аменорея. Таснифи. Клиник формалари: Тухумдонлар етишмовчилик синдроми. Тухумдонлар резистентлик синдроми. Этиопатогенези. Диагностикаи. Давоси. Профилактикаси.	40
23	Бачадондан аномал қон кетишлар. Сабаблари. Таснифи. Ювенил қон кетишлар. Репродуктив ёшдаги аёлларда қон кетишлар. Патогенези. Клиникаси. Климакс олди даврида АБК Диагностикаси. Давоси. Профилактикаси. Прогнози.	40
24	Предменструал синдроми. Патогенези. Клиникаси.	36

	Диагностикаси. Давоси. Прогнози. Гиперпролактинемия. Патогенези. Клиникаси. Диагностикаси. Давоси. Прогнози. Буйрак усти беги билан боғлиқ гиперандрогения. Патогенези. Клиникаси. Таққосий диагностикаси. Давоси. Касаллик прфилактикаси.	
25	Тухумдонлар поликистоз синдроми. Патогенези. Клиникаси. Диагностикаси. Давоси. Прогнози. Иккиламчи тухумдонлар поликистоз синдроми. Патогенези. Клиникаси. Диагностикаси.	30
26	Перименопаузал давр: Климактерик синдром. Перименопаузал давр: Посткастрацион синдром. Патогенези. Клиникаси. Диагностикаси. Давоси. Прогнозлаш. Профилактикаси.	30
27	Кичик чанок аъзолари носпецифик яллиғланиш касалликлари. Клиникаси, диагностикаси, давоси, тарқалиш йуллари, таснифи. Физиологик химоя механизмлари. Қин микробиоценози. Пастки жинсий аъзолар яллиғланиш касалликлари. Клиникаси, диагностикаси, давоси, тарқалиш йуллари, таснифи. Юқори жинсий аъзолар яллиғланиш касалликлари. Клиникаси, диагностикаси, давоси, тарқалиш йуллари, таснифи. Профилактикаси.	40
28	Кичик чанок аъзолари специфик яллиғланиш касалликлари: Сўзак. Жинсий органлар сил касаллиги. Этиопатогенези Клиникаси. Диагностикаси. Давоси. Хламидиоз. Уреаплазмоз. Микаплазмоз. Этиопатогенези. Клиникаси. Диагностикаси. Жинсий аъзолар вирусли касалликлари. Этиопатогенези. Клиникаси. Диагностикаси. Давоси. Одам папиллома вируси, эмланиши. бактерияль ва вирусли инфекциялар. Хомиладорликка, хомила ва янги туғилган чақалоққа таъсири. Хомиладорлик вақтидаги давоси. Профилактикаси.	40
29	Хомиладорликнинг биринчи ярмида қон кетишлар. Абортлар. Истмико-цервикал етишмовчилик Диагностикаси ва даволаш. усуллари. Хомиладорлик даврига караб кечиши. Асоратларини олдини олиш. Профилактикаси. Абортдан кейинги реабилитация. Оилани режалаштириш.	40
31	Хомиладорликнинг биринчи ярмида қон кетишлар. Трофобластик касалликлар. Бачадондан ташқари хомиладорлик: Диагностикаси. Асоратлари. Реабилитацияси. Профилактикаси.	40

31	Хомиладорликнинг биринчи ярмида қон кетишлар. Ривожланмаган хомиладорлик. Клиникаси. Диагностикаси. Даволаш. Асоратлари. Профилактикаси.	40
32	Бачадон ўсма касалликлари. Бачадон миомаси. Эндометриоз касаллиги. Клиникаси. Диагностикаси. Профилактикаси.	40
33	Тухумдон ўсмалари: Тухумдоннинг яхши сифатли ўсмалари. Тухумдоннинг ёмон сифатли ўсмалари. Тухумдон саратони. Замонавий ташхислаш усуллари. Асоратлари. Профилактикаси.	40
34	Бачадон бўйни фон ва рак олди касалликлари: Бачадон бўйни эрозияси, цервицит, бачадон бўйни эктопияси, крауроз, эктропион. Лейкоплакия, эритроплакия, цервикаль канал полипи. Бачадон бўйни дисплазияси, оғирлик даражаси, таққосий диагностикаси. Аёллар жинсий аъзолари рак олди ва рак касалликлари. Ташқи жинсий аъзоларининг яхши ва ёмон сифатли ўсмалари. Бачадон бўйни раки. Бачадон танаси раки. Даволаш усуллари. Олдини олиш. Профилактикаси.	40
35	Бепуштлик. Таснифи. Эндокрин бепуштлик. Ташхислаш усуллари. Олдини олиш усуллари. Най-перитонеаль бепуштлик. Иммунологик бепуштлик. Диагностикаси, олдини олиш усуллари. Бепушт аёлларни текшириш принциплари. Профилактикаси.	40
36	Замонавий контрацепция усуллари. Таснифи. Турлари. Гормональ контрацептивлар. Бачадон ичи воситаси. Тўсиқ усуллари. Химик, Физиологик усуллари. ИЖК – най окклюзияси, вазэктомия. Кўрсатмалар. Қарши кўрсатмалар. Асоратлари профилактикаси.	40
	Жами	1356

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари кўргазмалари материаллар. муляжлар билан жихозланган аудиторияда ва поликлиника акушер-гинеколог терапевт хоналарида беморларни кўриш орқали ўтилади.

6. Мустақил таълим ва мустақил иш, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар

7. Мустақил таълим

7.1. Тингловчилар учун мустақил иш мавзулари.

1. Аёллар репродуктив тизими анатомияси ва физиологияси. Кичик чанокдага сийдик канали ва томирларининг топографик анатомияси.
2. Хомиладор аёлларни текшириш усуллари: асосий (АКБ, Рs, кон тахлили, сийдик тахлили, БТБ, пельвиометрия, хомила юрак уриши, Rh-факторни аниклаш ва б.) ва кушимча.
3. Антенаталь саломатликни психосоциаль баҳолаш.
4. Хомиладорликда ва тугрукдан кейин парваришлаш, Хомиладорлик мобайнида сексуал ҳаёт юзасидан булажак ота- оналарни уқитиш
6. Она корнида хомиланинг ривожланиш боскичлари. Онтогенезнинг критик давлари.
7. Кичик чанок улчамлари. Хомилани тугрук объекти сифатида урганиш.
17. Хомиладорлик вақтида дорилар билан даволаш принциплари.
18. Гипертензия этиологияси ва патогенези.
20. Аппендицит, ичак тутилиши, холецистит, панкреатит, перитонит клиникаси.
21. Кон группалари ва резус-факторни аниклаш.
22. Кон ивиш тизими патофизиологияси.
23. Акушерликда Резус- фактор тушунчаси.
27. Сут безининг тузилиши.
28. Акушерлик булимида санэпидрежимга риоя қилиш.
1. Бачадон ва унинг ортикларининг бойлам аппарати. Жинсий аъзоларнинг кон ва лимфа билан таъминланиши. Аёллар жинсий аъзоларининг иннервацияси.
2. Кин мухитининг тозалик даражаси. Аёл организмида гестагенлар, андрогенлар ва эстрогенларнинг биологик таъсири.
3. Шеришевский-Тернер синдроми.
4. Иценго-Кушинг касаллиги. Гигантизм. Акромегалия.
5. Гипоталамус касалликлари ва вазифалари.
6. Гонада дисгенезияси.
7. Калла суяги, упка, ошқозон ичак тракти рентгенографияси.
8. Захм. Сузак. Сил.
9. Уреаплазмоз. Хламидиоз.
10. Токсоплазмоз. ЦМВ.
11. ОИВ/ОИТС.
12. Хорионэпителиома.

13. Сут беги раки.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар ёки презентация тайёрланади ва уни тақдимоти ташкил этилади.

8. Малака амалиётини ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар.

Тингловчилар малакавий амалиётни консултатив поликлиника, аёллар маслахатхоналарида акушер-гинеколог хамрохлигида, кундузги стационар, терапевт хонаси, колпоскопия хонаси, ултратовуш хонаси, функционал диагностика хоналари, диагностик лабораторияларда утишадилар.

9. Ўзлаштиришни назорат қилиш

Билим олиш ва шакиллантириш жараёни, амалий кўникмаларни ўзлаштириш доимий ва узлуксиз назоратда ва 2 босқичдан иборат.

-Назарий билим – семинар ва кейинги назорат синов давомида. Амалиётини ўзлаштириш –тематик алмашинув даврида.

– мутахассислик бўйича якуний назорат оғзаки шаклда амалга оширилади, хажмида тегишли тематик айланиш доирасида амалий кўникмаларнинг ривожлантииш назарий қисмини ичига олади.

Тингловчининг назарий билимларини жорий баҳолаш	
Баҳолаш	Мезонлар
86-100	Жавоб оригинал булиб, кўшимча маълумотлардан фойдаланинган, ижодий ёндоштилган, дастурга мос равишда берилган талаблардан ортиқ даражада амалга оширилган.Жуда юқори даражада ўқув режасига тегишли амалий куникмалар тўлиқ ўзлаштирилди. Бирламчи асосий материал мавжудлиги ва кундалик ишлар хисоботи олиб борилиши тўлиқ равишда.
71-85	Жавоб тўғри ёки топшириқни бажарилиши тўғри ва тўлиқ. Амалий кўникмалар юқори савияда тўлиқ ўзлаштирилган. Бирламчи материаллар мавжудлиги, семинарга таёрлиги ва кунлик бажарилган ишлар протоколи мавжудлиги.
55-70	Жавоб ёки бажарилган вазифа ўртача даражада, базибир хатолар мавжуд. Амалий кўникмаларни ўзлаштиришда ажралиб турган хатолар мавжуд, бирламчи материал тўлиқ эмас , протоколлар тўлиқ эмас.

55дан паст	Жавоб ёки бажарилган вазифа минимал талаб даражасидан паст. Амалий кўникмаларни ўзлаштириш паст даражада ва тўлиқ эмас, бирламчи материал тўлиқ эмас, протоколлар тўлиқ эмас, қалтис хатолар мавжуд.
------------	--

Тингловчи билимларини якуний баҳолаш мезонлари

Баҳолаш даражаси	Мезонлар
86-100	Жавоб ёки бажарилган вазифа юкори сифатда. Дастурнинг назарий ва амалий бўлимларининг максимал талаблари даражасида.
71-85	Жавоб ёки бажарилган вазифа яхши даражада, одатдаги дастур талабларига мос келади, бази хатолар бўлиши мумкин.
56-70	Жавоб ёки бажарилган вазифа ўртача даражада, базибир ноаниқликлар мавжуд, дастурнинг энг кам даражаси бўйича бази ноаниқликлар ва жиддий хатолар билан.
55дан паст	Жавоб ёки бажарилган вазифа дастур талабини минимал даражасидан паст ва аттестацияга мос эмас.

10. Тингловчилар учун акушерлик ва гинекология бўйича амалий куникмалар

№	Акушерликдан амалий маҳоратлар
1.	Аntenатал анамнез йиғиш
2.	Тиббий кўрик
3.	Ҳомиладорлик муддатини аниқлаш
4.	Туғруқ муддатини аниқлаш
5.	Леопольд – Левицкий бўйича ташқи акушерлик текширув усули
6.	Ҳомиланинг тахминий вазнини аниқлаш
7.	Ҳомила аускультацияси
8.	Аёллар чаноғини ўлчаш
9.	Ҳомиладорларда диагонал конъюгатани ўлчаш
10.	Бачадон бўйни етилганлик даражасини аниқлаш
Гинекологиядан амалий маҳоратлар	
1.	Кўкрак безлари пальпацияси
2.	Кўзгулар ёрдамида гинекологик кўрув
3.	Гинекологик беморларни бимануал текшириш
4.	«Қорачиқ» симптомини аниқлаш
5.	Бачадон бўйни шиллиғи чўзилувчанлигини аниқлаш

6.	Базал ҳароратни ўлчаш
7.	Қин тозалик даражасини баҳолаш
8.	Люголь эритмасида синама
9.	БИВни қўйиш ва олиш

11. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

Асосий ва қўшимча адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

Асосий адабиётлар

1. Аюпова Ф.М., Жаббарова Ю.К.” Гинекология, ”, 2008, Тошкент
2. Жаббарова.Ю.К,Аюпова.Ф.Т.-Акушерлик, -Т.Мехридарё.2012.
3. Инфекции, передаваемые половым путем и иные инфекции репродуктивного тракта, ВОЗ, Женева, 2004.-184б
4. Предупреждение трансмиссий ВИЧ от матери ребенку(учебное пособие для акушер- гинекологов, неонатологов, педиатров, инфекционистов, семейных врачей, организаторов здравоохранения, врачей-интернов и студентов), Украина. UNICEF, 2003.-268б.
5. Руководство по профилактике, диагностике и лечению заболеваний передаваемых половым путем. Под.ред. Капкаева Р.А. Ташкент.- 2004. Учебное руководство-169б.
6. Серов В.Н., Маркин С.С. Критические состояния в акушерстве. Руководство для врачей. – М.:Медиздат, 2003.- 704б
7. Стандарты диагностики и лечения гинекологических заболеваний в лечебных учреждениях системы здравоохранения Республики Узбекистан. Ташкент.-2017. 90б.
8. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги туғруқ муассасаларида перинатал ёрдам курсатишнинг сифатини ошириш буйича миллий стандартлар-Тошкент 2015.-124б
9. Шехтман М.М. Руководство по экстрагенитальной патологии у беременных. – М. «Триада», 2003.- 816б.
10. Эффективная перинатальная помощь и уход (Руководство для участника). WHO, UNICEF, 2008.

Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг директив хужжатлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сонли қарори.

2. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг “269” сонли “Бирламчи мақсадли ихтисослаштириш курсларига қабул қилиш тўғрисида”, 2019 йил 31 октябрдаги буйруғи
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли қарори.
4. «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон фармонлари.
5. «Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 29 мартдаги ПҚ–2857-сонли қарори.
6. «2019–2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси даражасини ошириш тўғрисида»ги 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ–4063-сонли қарори.
7. Постановление Президента Республики Узбекистан от 1 июля 2009 года №ПК-1144 «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола тугилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тугрисида»
8. Приказ №277 от 20 июня 2007 года О профилактике передачи ВИЧ инфекции от матери к ребенку в родильных учреждениях системы Министерства здравоохранения.
9. Приказ №428 от 27 сентября 2007г. «О внедрении расследования критических случаев в акушерской практике в родовспомогательных учреждениях системы Министерства здравоохранения Республики Узбекистан»
10. Приказ №600 МЗ РУз от 29.12.2007. О соблюдении санитарно-гигиенического, противэпидемиологического и дезинфекционного режима в лечебно-профилактических учреждениях в Республике Узбекистан
11. Приказ № 243 от 4 августа 2009 года «О внедрении Конфиденциального исследования случаев материнской смертности в лечебно-профилактических учреждениях системы Министерства здравоохранения»

Қўшимча адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 476.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
4. Национальный стандарт по повышению качества оказания перинатальной помощи в родовспомогательных учреждениях системы здравоохранения Республики Узбекистан. Ташкент, 2015. 136с.
5. Передовые практики в акушерстве и гинекологии. Руководство. Д.К. Нажмутдинова с соавт. Ташкент, 2017.500с
6. Неотложная помощь в акушерской практике. Пакет учебных материалов по ИВБР. USAID, Проект Здоровая Семья. Ташкент.-2014.-209с.
7. Предупреждение трансмиссий ВИЧ от матери ребенку(учебное пособие для акушер- гинекологов, неонатологов, педиатров, инфекционистов, семейных врачей, организаторов здравоохранения, врачей-интернов и студентов), Украина. UNICEF, 2013.-268с.
8. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсийжавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. 2017 й, 104 бет, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O’zbekiston” нашриёти матбаа ижодий уйи.
9. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. 2017й, 488 бет. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O’zbekiston” нашриёти матбаа ижодий уйи.
- 10.Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. 2016 й, 56 бет, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O’zbekiston” нашриёти матбаа ижодий уйи.

Интернет сайтлари

1. www.medi.ru, www.medlinks.ru, www.obgyn.net.
2. <http://www.eurasiahealth.org/attaches/80/8064/225.doc>
3. <http://www.ahrq.gov/http://www.ahrq.gov/>
4. <http://www.firstgov.gov/http://www.firstgov.gov/>
5. <http://www.avsc.org>
6. <http://www.rcog.org.uk/medical/greentopguide.html>
7. www.MedPortal.ru
8. www.evrika.ru
9. www.Med-edu.ru
10. www.med-info.ru
11. www.medagent.ru
12. www.journals.medi.ru